Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 22 февраль жума

Сотувда эркин нархда

№ 39 (2867)



# РАҲБАР, ЕТАКЧИ ЎЗИ ЁНИБ, ЎЗГАЛАРНИ ҲАМ ЁНДИРИБ ЯШАШИ КЕРАК





## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

***21 февраль куни Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.***

***Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Сурхондарё вилояти мамлакатимизда ўзига хос салоҳиятга эга, деди давлатимиз раҳбари. Унинг унумдор тупроғи, бир йилда уч бор ҳосил олиш имконини берадиган қулай табиий иқлим шароити, ер ости ва ер усти бойликлари, энг муҳими, меҳнатсевар одамлари бор. Вилоятда ўтган йили ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси 8 фоиз ўсди. 320 минг тонна ғалла тайёрланиб, бу соҳадаги режа ортиғи билан бажарилди ва бошқа соҳаларда ҳам муайян натижалар қўлга киритилди.

Аммо, вилоятда ислоҳотларни чуқурлаштириш, ердан самарали фойдаланиш, мулкдорлар синфини шакллантириш борасидаги ишлар оқсамоқда. Кўпгина ширкатлар номигагина ташкил қилинган. Фермерлик ҳаракатида бир талай муаммолар мавжуд. Қурилиш соҳасидаги аҳвол ҳам ачинарли. Тендерлар расмиятчилик учунгина ўтказилмоқда. Қўшма корхоналар ташкил этишга, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга эътиборсизлик билан муносабатда бўлинаётганлиги ҳам афсуслидир.

Сессияда одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган, ғамхўр ва ташкилотчи раҳбарлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир раҳбар, хоҳ у катта ёки кичик вазифада ишламасин, аввало, элу юрт учун фидойи бўлиши лозим. У шу юрт, шу халқ учун хизмат қилаётгани билан фахрлансин. Халқ билан, унинг доно оқсоқоллари билан бамаслаҳат иш тутсин. Одамларнинг қувончу ташвишлари билан яшаш раҳбарнинг асосий фазилатидир.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Бахтиёр Олимжонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Сариосиё тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Тошмирзо Қодиров вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан журналист Абдурасул Жумақулов, Денов туманидаги "Лочин" фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Нарзуллаев, Денов тумани ҳокими Абдулҳаким Эшмуродов, Қизириқ тумани ҳокими Мамаюсуф Холбоев ва бошқалар Президентимизнинг нутқида қўйилган вазифаларни бажариш барча даражадаги раҳбарларнинг бурчи эканлигини таъкидладилар.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Ватанимизнинг жанубий сарҳадларини қўриқлаётган чегарачиларнинг яшаш ва хизмат шароити билан танишди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: сессия ишидан лавҳалар.**
**А. ТЎРАЕВ,**
**Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### Т.Ў.Қодировни Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Тошмирзо Ўроқович Қодиров Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 21 февраль.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### Б.М.Олимжоновни Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Бахтиёр Мамажонович Олимжонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 21 февраль.

## *Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи*

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли сурхондарёлик дўстлар!

Ватанимиз тарихи ва маданиятида азалдан муҳим ўрин эгаллаб келган табаррук макон бўлмиш Сурхондарё заминида бугун сиз — вилоят депутатлари ва фаоллари билан кўришиб турганимдан мамнун эканимни изҳор этиб, сизларга ва сиз орқали бутун Сурхон аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдирмоқчиман.

Азиз юртдошлар!

Биз сизлар билан мана шу тупроқда, қадимий Термиз шаҳрида кўп маротаба учрашганмиз. Ўйлайманки, бу қутлуғ диёрга қадам қўйган ҳар қандай одам ҳам Сурхон воҳасининг бепоён кенгликларини, дашту далаларини кўрганда қалбида қандайдир меҳр, енгиллик ва эркинлик туйғуларини ҳис этгандек бўлади.

Мен Сурхон воҳасига турли вазифаларда ишлаганимда — Молияда, Госпланда хизмат қилган пайтларимда ҳам, Қашқадарёда ишлаган йилларимда ҳам кўп-кўп келганман ва бу диёрнинг меҳмондўстлиги ва бағрикенглигидан баҳраманд бўлганман.

Юртимизнинг бошига турли синовлар, қийинчиликлар, оғир савдолар тушганида, айниқса, жанубий сарҳадларимизда мураккаб вазият вужудга келган кунларда ҳам Сурхондарё заминида бўлиб, сизлар билан учрашиб, биргаликда шу тупроқни ҳимоя қилиш, асраш учун тегишли чора-тадбирлар кўрганимизни ҳеч қачон унутмайман.

Бир сўз билан айтганда, мен бу воҳани Амударё қирғоғидан тортиб Бойсун тоғларигача, Термиздан Деновгача, Ҳисор тизмаларидан Боботоғ этакларигача кезиб чиққанман, десам, муболаға бўлмайди.

Шу элнинг тузини ичган, кўпни кўрган, ғурури баланд, ўз юртини жондан азиз биладиган одамлар билан танишиб, кўп бора суҳбатлашганман. Сурхон аҳли билан бўлган бундай гурунгларда улардан турли ҳаётий ҳикматларни эшитиб, хулосалар чиқарганман.

Яна бир гапни очиқ айтадиган бўлсам, ҳар сафар сизлар билан, бошқа юртдошларимиз билан учрашганда, бафуржа, дилдан, самимий суҳбатлашгим келади. Афсуски, менинг зиммамга юкланган кўп-кўп вазифалар ва ажратилган вақт тақчиллиги бунга доим ҳам имкон беравермайди.

Лекин мана шундай учрашувлар учун вақт топиш ва сиз, азизларнинг кайфиятларингиздан хабардор бўлиб, очиқча фикр алмашиш, оқни-оқ, қорани-қора, ютуқни-ютуқ, камчиликни-камчилик, деб баҳолаш мен учун ниҳоятда муҳим ва зарурдир.

Сурхондарёдаги бугунги аҳволни таҳлил қилар эканмиз, аввало, вилоятда амалга оширилаётган анча-мунча ижобий ишлар, одамларнинг қаддини, кайфиятини кўтарадиган, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган янгиланиш жараёнлари, ёнатрофдаги воқеаларга дахлдорлик туйғусини уйғотадиган ўзгаришларни қайд этишимиз мумкин.

Буни ўтган йили ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари олдинги йилга нисбатан 8 фоиз ошгани ҳам кўрсатиб турибди. Саноат, халқ истеъмоли моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, иқтисодиётга сармоя киритиш ҳажми ортиб бормоқда.

Вилоят маркази бўлмиш қадимий Термиз шаҳрини замонавий талаблар асосида қайта қуриш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шаҳарнинг 2500 йиллиги муносабати билан ҳукумат қарори асосида кенг миқёсдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда.

Биржа маркази, темир йўл вокзалининг янги биноси, археология музейи, қатор спорт мажмуалари, янги-янги фавворалар, боғ ва хиёбонлар, улкан иншоотлар, тубдан қайта таъмирланган Ҳаким Термизий мажмуаси, Султон Саодат, Кокилдор ота, Қирққиз мақбаралари каби тарихий обидалар шаҳар қиёфасини мутлақо ўзгартириб юборди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам вилоятда муайян ижобий кўрсаткичларга эришилди. Жумладан, 2001 йилда қарийб 320 минг тонна ғалла тайёрланиб, шундан 232 минг тоннаси давлатга сотилди.

Бу аввалги йилдагидан 53 минг тонна кўп демакдир. Бу борадаги шартнома режаси ортиғи билан бажарилди. 12 минг тонна буғдой оилавий пудратчиларга тарқатиб берилди. Буларнинг ҳаммаси барчамизни қувонтиради, албатта.

Лекин, шу билан бирга, бу ерда ҳали-бери мавжуд бўлган муаммолар, иқтисодий-ижтимоий соҳада йўл қўйилаётган оқсоқликлар, оёғимизга кишан, йўлимизга тўсиқ-ғов бўлиб турган нуқсонлар ҳақида ҳам сўз юритишимиз, уларнинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, бундай вазиятдан чиқиш йўлини биргаликда излашимиз керак.

Жумладан, бу нуқсонлар ҳақида куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида ошкора айтилди. Ва шу йиғилишни телевидение орқали кузатган халқимиз, ўйлайманки, тегишли хулосаларни чиқарди.

Вилоятдаги бугунги вазиятга шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, **аввало, Сурхон воҳасининг, шу юртда яшайдиган одамларнинг ҳали ишга солинмаган салоҳияти, имкониятлари бениҳоя кўплигини айтиш даркор.**

Биз вилоятдаги ҳали-ҳануз ишлатилмаётган ички имкониятлар деганда нималарни назарда тутамиз? Келинглар, шу ҳақда бир ўйлаб кўрайлик.

Холисона айтганда, Сурхондарё еридек унумдор ер камдан-кам топилади. Бу ерда нима ўсмайди ўзи? Таъбир жоиз бўлса, бу саховатли тупроққа чўпон таёғини қадаб қўйса ҳам кўкариб кетади.

Воҳанинг дала ва экинзорларида ингичка толали пахтадан тортиб, шакарқамишгача, хурмодан тортиб апельсингача, эртаги карамдан тортиб шолигача, мазаси билан барчани ҳайратда қолдирадиган сабзи ва полиз маҳсулотларигача — ҳаммасини етиштириш мумкин.

Сурхондарёнинг тупроқ шароити яхшилигини унинг балл бонитети мамлакат бўйича энг юқори эканидан ҳам билса бўлади.

Кучли шўрланган ерлар ҳам, мамлакат миқёсида олиб қараганда, ушбу вилоятда энг кам бўлиб, суғориладиган майдонларнинг атиги 1 фоизини ташкил этади.

Кўриниб турибдики, бу ерда деҳқончилик учун, мўл ҳосил олиш учун қулай шарт-шароит мавжуд. Лекин, шунга қарамасдан, давлатга пахта сотиш бўйича белгиланган режалар охирги йилларда сурункасига бажарилмай келмоқда.

Ҳолбуки, бу ерда деҳқончиликнинг чинакам усталари бўлган миришкор инсонлар кўплаб топилади. Денов туманидаги Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев бошқараётган Собир Раҳимов номли хўжаликда пахтадан гектарига режадаги 33,9 центнер ўрнига қарийб 50 центнер, бошоқли дон бўйича эса 61 центнердан ортиқ ҳосил етиштирилгани бу фикрнинг яққол далили эмасми?

Ёки вилоятнинг сув билан таъминланиш масаласини олиб кўрайлик. Бошқа вилоятларга, айтайлик, Хоразм ёки Қорақалпоғистон билан солиштирганда, Сурхондарё бу борада ҳам қулай имкониятга эга эканини, яъни сув бошида жойлашгани барчамизга маълум.

Ёки бўлмаса, вилоятнинг ўзига хос иқлим шароитини олайлик.

Кўкламнинг жуда эрта бошланиши, ёзда ҳарорат юқори бўлиши, илиқ-иссиқ кунларнинг нисбатан узоқ давом этишини инобатга оладиган бўлсак, бу тупроқда йилига бемалол уч марта ҳосил етиштириш ҳам мумкин.

**(Давоми 2-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Тезкор тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида

***Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш, республикада кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам тизимини шакллантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, тезкор тиббий ёрдам хизматини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалаларига айниқса Тошкент шаҳрида етарлича эътибор берилмаяпти.***

***Тошкент шаҳри тезкор тиббий ёрдам станцияси, унинг туман бўлинмалари ихтисослаштирилган автотранспорт билан етарли миқдорда таъминланмаган, замонавий алоқа воситаларига эга эмас. Тезкор тиббий ёрдамнинг кўплаб ихтисослаштирилган бригадалари замонавий тиббий ускуналар, зарур дори-дармонлар билан таъминланмаган. Бир қанча вилоятларда кейинги йилларда ихтисослаштирилган автотранспорт парки янгиланмади. Буларнинг барчаси аҳолига кўрсатилаётган биринчи шошилинч тиббий ёрдам тезкорлиги ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.***

***Аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифат даражасини ва тезкорлигини ошириш, тезкор тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, чет эл инвестицияларини ушбу соҳага кенг жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Ғ.Назировга тезкор тиббий ёрдам хизматларини махсус автотранспорт ва алоқа воситалари билан жиҳозлаш масалаларини ҳал этишда етарлича фаоллик кўрсатмаётганлиги кўрсатиб ўтилсин. У тезкор тиббий ёрдамнинг замонавий талабларга мувофиқ ташкил этилиши, жиҳозланиши ва ривожлантирилишининг аҳволи учун шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

2. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурига мувофиқ Тошкент шаҳридаги Тез тиббий ёрдам республика марказидан ҳамда унинг барча вилоятлардаги ва Қорақалпоғистон Республикасидаги филиалларидан, марказий туман ва шаҳар касалхоналаридаги 167 тез тиббий ёрдам бўлимларидан иборат замонавий ташхис ускуналари ва тиббий ускуналар билан жиҳозланган, сифат жиҳатидан янги тез тиббий ёрдам хизмати республикада амалда ташкил этилганлиги, олий тоифали тиббиёт ҳамширалари тайёрлаш тизими ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 2002 йилда тезкор тиббий ёрдам шаҳар станцияси ихтисослаштирилган автотранспорт ва радиотелефон алоқаси учун техник ускуналар билан жиҳозланишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети параметрларининг 2002 йилга тасдиқланган доираларида ихтисослаштирилган автотранспорт ҳамда радиотелефон алоқаси учун асбоб-ускуналар сотиб олиш юзасидан харажатларни маблағ билан таъминлашга зарур миқдорда бюджет маблағлари ажратсин.

4. Почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Тошкент шаҳридаги тезкор тиббий ёрдам хизматини хорижий грантлар ҳисобига замонавий алоқа воситалари билан жиҳозлаш чора-тадбирлари маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда 2003-2005 йиллар даврида шошилинч тиббий ёрдам хизмати билан ўзаро ҳамкорликда тезкор тиббий ёрдам хизматини ривожлантириш ва жиҳозлашнинг ўрта муддатли дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Унда:

тезкор тиббий ёрдам станцияларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни зарур ихтисослаштирилган автотранспорт, алоқа воситалари, замонавий тиббиёт ускуналари ва асбоблари, дори-дармонлар билан жиҳозлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар;

тезкор тиббий ёрдам хизматига юқори малакали врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларини жалб этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари;

маблағ билан таъминлашнинг зарур ҳажмлари ва манбаларини, шу жумладан бюджет маблағларини, жалб этилаётган имтиёзли хорижий кредитларни, ҳомийлик маблағларини аниқ белгилаш;

тезкор тиббий ёрдам хизматини қайта жиҳозлаш учун хорижий мамлакатлар ва халқаро молия институтларининг грантларини жалб этиш назарда тутилсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда Тошкент шаҳар, Марказ-4 мавзеси, 17-а уйда жойлашган "03" марказий диспетчерлик хизмати қисман эгаллаб турган бинони Тошкент шаҳар тезкор тиббий ёрдам станцияси балансига тўлиқ ўтказиш масаласини бир ҳафта муддатда кўриб чиқсин ва белгиланган тартибда ҳал этсин;

Тошкент шаҳар тезкор тиббий ёрдам станциясининг кичик станциялари учун алоҳида бинолар ажратсин;

Тошкент шаҳар тезкор тиббий ёрдам станцияси ҳузурида Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли автобазаларни қайта ташкил этиш йўли билан санитария автомашиналари учун автобаза ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда Тошкент шаҳар тезкор тиббий ёрдам станциялари ва кичик станциялари эгаллаб турган биноларни реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун 2003 йилга капитал қўйилмалар зарур лимитларини ва бюджет маблағларини назарда тутсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 21 февраль.

## «Маҳалла» хайрия жамғармасининг конференцияси

Ўзбекистон Республикаси "Маҳалла" хайрия жамғармасининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси бўлиб ишлаган Аъзам Гадойбоев Ўзбекистон Республикаси "Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси этиб сайланди.

Конференцияда жамғарма ва бўлимларининг низомий ва дастурий вазифаларини бажариш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллаларнинг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг кам таъминланган табақаларини моддий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, миллий ва маданий қадриятларни тарғиб этишни кучайтиришга оид масалалар муҳокама этилди. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар белгиланиши зарурлиги таъкидланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Бош вазир ўринбосари Д.Ғуломова иштирок этди.

**(ЎзА).**

# РАҲБАР, ЕТАКЧИ ЎЗИ ЁНИБ, ЎЗГАЛАРНИ ҲАМ ЁНДИРИБ ЯШАШИ КЕРАК

## Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энди ҳар қандай минтақа ёки ҳудуд салоҳиятининг асосини ташкил этадиган ер ости, ер усти бойликлари ҳақида тўхталсак, шуни айтиш кераккки, Оллоҳ таоло бу борада ҳам Сурхон воҳасидан ўз марҳаматини, ўз саховатини аямаган.

Шерободдаги гранит, калий тузи, оҳак ва цемент хомашёси, Сариосиё ва Бойсун тоғларидаги мармар ва кўмир захираларининг мавжудлиги ҳам шу фикрни тасдиқлаб турибди.

Ёинки, қўрғошин, рух, мис, кумуш, олтин каби ноёб металларга бой бўлган Хонжиза ҳудудидаги конларни олайлик.

Лекин бу табиий ресурслардан етарли даражада фойдаланилаяпти, дейиш мумкинми? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериб бўлмайди.

Оддий бир мисол: бугунги кунда қурилиш хомашёларига бой бўлган 36 та коннинг атиги 16 таси ишлатилмоқда. Вилоят ҳудудида аниқланган иккита цемент хомашёси кони ҳамда биноларни безатиш ва ганчкорлик ишларида қўлланиладиган учта тош кони ҳанузгача ўзлаштирилмаган.

Сизларга яхши маълумки, Сурхондарёда истиқболли нефть ва газ конлари ҳам етарли.

Сурхон замини шундай саховатлики, бу ерда ҳозирги вақтда жуда танқис бўлиб қолган йод ва бром қазиб олиш имкониятлари ҳам бор.

Мана шу мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, вилоятда ҳали фойдаланилмай ётган имкониятлар жуда кўп. Албатта, уларни тўла ишга солиш учун, аввваламбор — буни биз яхши тушунамиз — ҳукуматимиз томонидан тегишли чора ва тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Лекин маҳаллий раҳбарларнинг ўзи ҳам бу борада ташаббус кўрсатиши керакми-йўқми? Ахир, халқимизнинг "Бола йиғламаса, она сут бермайди", деган мақоли бежиз айтилмаган-ку!

Сурхондарёнинг беқиёс имкониятларидан яна бири шундан иборатки, бу ерда транспорт коммуникациялари — темир йўл, автомобиль йўллари, газ, сув, энергетика ва алоқа тармоқлари, ҳатто дарё портигача бор. Энг асосийси, бу ерда инсон ресурслари, илмий салоҳият ҳам етарли.

**Мухтасар қилиб айтганда, қайси соҳани олманг, бу вилоятнинг имкониятлари ҳеч кимдан, ҳеч қайси ҳудуддан кам эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз.**

Лекин, яна ва яна бир бор шуни таъкидлаш лозимки, бундай бойликлар ҳозирги кунда эл-юрт манфаати ва келажаги учун етарли даражада ишлатилмаяпти.

Рухсатингиз билан яна бир карра қишлоқ хўжалик соҳасига қайтайлик. Шуни катта таажжуб билан қайд этишимиз кераккки, вилоятнинг асосий бойлиги бўлмиш ерга муносабат, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари тўғри ташкил этилмаган. Агротехника тадбирлари талабга жавоб бермайди. Деҳқончилик маданиятини юксалтиришга етарлича эътибор қаратилмаяпти.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш, мулкдорлар синфини шакллантириш борасидаги ишлар ҳам оқсоқ бўлиб қолмоқда. Баъзи хўжаликлар номигагина ширкатларга айлантирилган, айрим ширкат хўжаликларининг нафақат аъзолари, балки раислари ҳам ширкат ва мулкий пайнинг моҳияти нимадан иборатлигини яхши тушунмайди.

Вилоятда пилла етиштиришни кўпайтиришга зарур даражада аҳамият берилмаяпти. 2001 йилда Ангор, Шеробод, Шўрчи туманларида бу муҳим хомашёни етиштириш олдинги йилга нисбатан 12 фоизгача пасайиб кетган.

2002 йил 1 январь ҳолатига кўра, вилоятда боғ ва узумзорларнинг 80 фоизини, Қизириқ, Узун туманларида эса 30-50 фоизини ижарага бериш тўғрисида шартномалар тузилган, холос. Ижарага берилган боғ ва токзорларнинг ҳақини ундириш ҳам қониқарсиз аҳволда.

Ҳукуматимиз томонидан фермер хўжаликларига катта эътибор берилаётганидан яхши хабардорсиз. Вазирлар Маҳкамасининг ўтган ҳафтада бўлган мажлисида ҳам бу ҳақда қаттиқ гап бўлди. Афсуски, вилоятда бундай хўжаликларни ривожлантириш масаласи ҳам эътибордан четда қолмоқда.

**Масъулиятсизлик, бепарволик оқибатида фермерлар билан тузилган шартномалар бажарилмасдан қолмоқда. Ажратилган ерлардан фойдаланишда қўпол равишда суиистеъмол қилиш ҳолатлари, ноқонуний ҳаракатлар ва мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.**

Ёки бўлмаса, Сурхондарёда катта имкониятларга эга бўлган чорвачилик соҳасини олиб кўрайлик.

Афсуски, бу соҳада ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналарида чорва моллари бош сонининг камайиши кузатилмоқда. Бу кўрсаткич 2001 йилда олдинги йилга нисбатан 10-15 фоизгача камайиб кетган.

Қурилиш соҳасини олайлик.

Қурилиш корхоналаридаги ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда. Бу соҳада ислоҳотларни амалга оширишга жиддий эътибор берилмаётгани туфайли кичик ва хусусий қурилиш ташкилотларининг 15 фоизи фаолият кўрсатмаяпти. Қурилиш-монтаж ишларида уларнинг улуши атиги 2 фоиздан иборат эканини ҳеч тушуниб бўлмайди.

Соҳада тендерларни фақат расмиятчилик учун, хўжакўрсинга ўтказиш ҳолларига, афсуски, ҳали-бери барҳам берилмаяпти.

Кўпгина қурилиш объектларида ўтказилган тендерларда фақатгина биттадан қурилиш ташкилоти қатнашаётган бўлса, бунинг нимаси тендер, нимаси танлов бўлди?

Қурилиши тугалланмаган объектлар ҳажми 2001 йилда 2000 йилга нисбатан икки баравар ошган, қурилиш ташкилотларининг ярмида рентабеллик даражаси атиги 1-4 фоиз экани, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари 35-40 фоизга кўпайгани айниқса ташвишлидир.

Ислоҳотларни олиб боришда муҳим, ҳал қилувчи йўналиш бўлмиш тадбиркорликка йўл очиб бериш масаласида вилоятда муаммолар талайгина. Бугунги кунда Ангор, Бандихон, Узун ва Шеробод туманларида ҳанузгача бирорта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаган.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишда сансалорликка йўл қўйилмоқда. Ўтган йили янги корхоналарни очиш 25 фоизга камайгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Бугунги кунда мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес корхонаси турли сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатган. Ишлаётган корхоналарнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларига ихтисослашган бўлиб, уларнинг улуши саноатда 8 фоизни, қурилишда эса атиги 4 фоизни ташкил этиши ҳам бу борадаги ишлар талаб даражасида эмаслигидан далолат беради.

Вилоятда коммунал хўжалиги соҳасида ҳам ислоҳотлар суст олиб борилаяпти. Ўтган йилда режалаштирилган турар-жойларнинг 40 фоизи таъмирланмаган.

Турар-жой фондини газ ва сув ўлчаш мосламалари билан таъминлаш ишларида ҳам силжиш бўлмаяпти.

Кўп қаватли уйлардаги хонадонлар ва шахсий уй-жойларнинг 3 фоизигина газ, 1 фоизигина сув ўлчаш мосламалари билан таъминланган.

Аҳолини газ ва ичимлик сув билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Хонадонларни газлаштириш даражаси вилоят бўйича 58 фоизни, қишлоқ жойларида эса 51 фоизни ташкил этади. Бу эса мамлакат миқёсидаги энг паст кўрсаткичдир.

Ўтган йил давомида газ ва сув тармоқларини ишга тушириш суръатлари янада пасайиб, Бандихон, Қизириқ, Қумқўрғон, Шеробод туманларида 2-3 бараварга камайганини қандай баҳолаш керак?

Вилоятда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бирорта ҳам муқобил корхона ташкил этилмаган.

Бу мисолларни келтириш, бу гапларга урғу беришдан мақсад шуки, айрим раҳбарлар ислоҳотларнинг, ҳар бир ишимизнинг моҳияти одамларнинг оғирини енгил қилишдан иборат бўлиши лозимлигини унутиб қўймоқда. Бундай нохуш ҳолатга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳурматли депутатлар!

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда жадал суръатлар билан жорий этилмоқда. Бу дастурнинг илк ва умидбахш натижаларини бугун барчамиз кўриб турибмиз. Лекин, таассуфки, вилоятда бу соҳада ҳам талайгина камчиликлар учрамоқда.

Шуниси ачинарлики, мавжуд мактабларнинг 63 фоизи газлаштирилмаган, 243 таси таъмирга муҳтож. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 73 фоизи компьютерлар билан таъминланмаган. Мактабларда техник асбоб-ускуналар, турли жиҳозлар, кўргазмали ўқув қуроллари етишмайди.

Келажак — ёшлар қўлида, деб катта-катта минбарлардан кўп гапирамиз. Наҳотки, ёшлар тарбиясига бўлган бундай бепарволик воҳанинг истиқболига қандай катта зарар келтиришини бу ердаги раҳбарлар пайқамаётган бўлса?

Вилоятда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Умумтаълим мактабларининг учдан икки қисми ўзининг спорт залларига, биронтаси ҳам сузиш ҳавзаларига эга эмас.

Ўқувчиларнинг бор-йўғи 17 фоизигина дарсдан ташқари пайтда спорт билан шуғуллanса, ўзингиз айтинг, бундай аҳволни қониқарли деб бўладими?

Аҳоли соғлиғини сақлаш борасида олиб борилаётган ишлар одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бир неча бор танқид қилинганига қарамасдан, шошилинч тиббий ёрдам бўлимларининг зарур дори-дармон, асбоб-ускуналар билан таъминоти ҳамон қониқарсиз аҳволда қолмоқда.

Жарқўрғон, Узун, Қумқўрғон ва Термиз туманлари марказий шифохоналарининг моддий-техник базаси аянчли ҳолга келган, бинолари таъмирланмагани учун Узун тумани марказий касалхонаси қиш кунлари иситилмайди.

Энг ёмони шундаки, аксарият мутасадди раҳбарлар бундай нохуш вазиятлар билан муроса қилиб келмоқда.

Аҳолининг ўсиш суръатлари йилига 33 минг кишини ташкил этаётган бир пайтда янги иш ўринлари яратишга етарли эътибор берилмаяпти. Натижада ишсиз фуқаролар сони ҳозирги вақтда салкам 40 минг кишига етган. Бандихон, Денов, Термиз, Узун туманларида меҳнат бозоридаги вазият кескинлигича қолмоқда.

Табиийки, ишсизлик бор жойда жиноятчилик илдиз отади. Денов туманида жиноятчиликнинг барча турлари 2001 йил мобайнида кескин кўпайган. Жарқўрғон, Шеробод, Музработ туманларида қасддан одам ўлдириш ҳоллари 2-3 бараварга, Шеробод туманида ўғрилик жиноятлари 18 фоизга ортгани барчани, биринчи галда, вилоят раҳбарияти, сиз ҳурматли депутатлар ва фаолларни безовта қилиши, ҳушёр торттириши керак.

Қадрли юртдошлар!

Вилоятда йўл қўйилаётган камчиликларнинг асосий сабабларидан бири кадрлар билан ишлаш, уларни жой-жойига қўйиш ишлари тўғри ташкил этилмагани билан боғлиқ, деб ўйлайман.

Охирги икки йил мобайнида вилоят қишлоқ хўжалиги соҳаси раҳбарларининг ярмидан кўпи, Ангор, Музработ, Термиз, Шеробод туманларида хўжалик раисларининг 75-90 фоизи алмаштирилган.

Вилоятда кадрлар захирасини яратиш, уларни ўқитиш, тарбиялаш, малакасини ошириш, стажировкалар, семинар машғулотлари ташкил этиш масалалари маҳаллий ҳокимликлар эътиборидан четда қолмоқда.

Вилоятда адолат мезонининг бузилиши, раҳбарларнинг халқдан ажраб қолиши, аҳоли мурожаатларига эътиборсизлиги натижасида Президент девонига келаётган шикоят ва аризалар сони кўпайиб бормоқда.

Вилоят суд, прокуратура ва ички ишлар органлари фаолиятидан норози бўлган фуқаролардан тушаётган аризалар сони 30 фоизга ошгани ташвишли ҳолдир.

Лўнда қилиб айтганда, вилоят раҳбариятида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш борасида янгиликка интилиш, талабчанлик, фидойилик фазилатлари етишмаяпти.

Улар юқоридан кўрсатма кутиш, фақат берилган топшириқларни бажаришдек эски тизим иллатларидан, боқимандалик кайфиятларидан воз кеча олмаяпти. Натижада вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида халқимиз кутган ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмаяпти.

Бундай ҳолат, албатта, барчамиздан, аввало, давлатимиз раҳбариятидан вужудга келган вазиятни ўнглаш мақсадида зарур чоралар кўришни тақозо этади. Шу сабабли бугунги сессияда сизларнинг муҳокамангизга ташкилий масала қўйилгани бежиз эмас.

Ҳурматли депутатлар!

Ташкилий масалага ўтишдан олдин мен сизнинг эътиборингизни яна бир муҳим масалага — яъни, раҳбарлик лавозими ва бу вазифанинг масъулияти ва мураккаблигига қаратиб, шу тўғрида алоҳида тўхталиб ўтмоқчи эдим.

Ҳеч шубҳасиз, бугун биз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган бир пайтда, ҳаёт шиддат билан ўзгариб, ён-атрофимиздаги ички ва ташқи вазият кескинлашиб, олдимизда турган вазифалар кўпайиб, муаммолар мураккаблашиб бораётган ҳозирги шароитда — хўжалик ёки туманда бўладими, вилоят ёки республика миқёсида бўладими, қаерда бўлмасин — биринчи раҳбарга қўйилаётган талаб ошиб бораётгани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча, деб биламан.

Ўйлайманки, бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳаммамиз яхши англаб олмоқдамиз.

Биз раҳбар одамнинг қандай фазилатларга, қандай хусусиятларга эга бўлиши ҳақида кўп гапирамиз. Бу масала барча мажлисларда, анжуманларда, турли фикр алмашувларда асосий мавзу бўлиб, диққатимиз марказида тургани ҳам бежиз эмас.

Раҳбарнинг фазилати, аввало, унинг одамларга муносабатида, одамларни рози қилиш, уларга ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсата олиш қобилиятида намоён бўлади. Бу баландпарвоз гап эмас. Раҳбар киши эл-юртнинг дарду ташвиши билан, шу ташвишларни имкон қадар осон қилиш ва енгиллатишни ўйлаб яшаши, одамларни ҳимоя қилишга доимо тайёр туриши, бир сўз билан айтганда, халқнинг дардини ўз дарди, деб билиши керак.

Шу билан бирга, ҳар қайси раҳбар қатъиятлилик, талабчанлик, керак бўлса, қаттиққўллик хусусиятларига эга бўлиши лозим. Ҳаёт олдимизга қўяётган кўпдан-кўп муаммоларни вақтида ечиш ҳақида муттасил қайғуриш, бу йўлда кечани кеча, кундузни кундуз демай, ўз ҳаловатидан воз кечиб, бошлаган ишини охирига етказмагунича тиним билмаслик — бу ҳам ҳар қандай раҳбарга қўйиладиган ҳаққоний талаб, десак асло хато бўлмайди.

Ўзини етакчи, деб ҳисоблайдиган раҳбар ҳақиқатан ҳам том маънодаги етакчи бўлиши керак. Бошқача айтганда, раҳбар одам бошқалардан кўра узоқни кўра билиши, бошқалардан кўра кўпроқ нарсаларни англаши, нафақат бугунги кун, балки эртанги кун муаммолари устида бош қотириши зарур.

Биз кўпинча, раҳбар ақлли, доно, билимдон бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Албатта, бу хусусиятлар керак, лекин бугунги кунда уларнинг ўзи етарли эмас. Нега деганда, инсон ақлли, доно ва билимдон бўлиши мумкин, лекин у ҳаётда ёниб яшамаса, ҳаммаси бекор.

Бу фикрга қўшимча қилиб шуни айтмоқчиманки, бугунги кунда раҳбар фақат ўзи ёниб қолмай, унга кўз тикиб, ундан кўп нарсани кутиб турган халқни ҳам ёндира олиши зарур.

Мен ёндириш деганда, аввваламбор, одамларни бирлаштириш, одамларни бошқаришни, уларни юксак мақсадлар сари сафарбар этишни назарда тутаман.

Яъни, раҳбар эзгу мақсад-муддаоларга, олижаноб режаларга эришиш учун одамларни ўз ортидан эргаштира билиши керак.

Раҳбар учун зарур бўлган яна бир муҳим фазилат шундан иборатки, у халқ билан тил топиша олиши лозим. Раҳбар энг мураккаб, энг қийин вазиятларда ҳам одамларни кўндириши, уларни баъзи бир ножўя йўллардан, хатти-ҳаракатлардан қайтариши ва ўз атрофида соғлом вазият, соғлом иқлим барпо этиши даркор.

Бунинг учун раҳбар албатта катта маҳоратга, худо ато этган ўзига хос, ўзига мос фазилатларга эга бўлиши зарур.

Ким қандай тушунади — билмадим, лекин, менинг фикримча, раҳбарнинг аввало истараси иссиқ бўлиши керак.

Истараси иссиқ дегани, бу — унинг одамларга кўнгли очиқ бўлиши демакдир. Яъни, раҳбар жуда ортиқча сирли бўлмаслиги, бағрикенг ва кечиримли бўлиши лозим. Ва керак бўлса, мени кечирасизлар-у, очиқ айтишим керак, у қандайдир файзли бўлиши зарур.

Яъни, раҳбарнинг атрофидаги муҳит, маънавий иқлим одамларни ўзига қаратиши, ўзига жалб эта олиши керак.

Албатта, бундай хусусият ва фазилатларга эга бўлган шахсни топиш қийинлигини, бу ҳозирча биз учун фақат истак бўлиб қолиши ҳам мумкинлигини мен яхши тушунаман.

**Лекин ҳар қайси раҳбар ана шу талабларга интилиши, ана шу фазилатларга муносиб бўлиш учун ўзини доимо қийнаб яшаши, унга ишонч билдириб, масъул лавозимга кўтарган халққа ҳамиша сидқидилдан хизмат қилиши, керак бўлса, шу йўлда жонини ҳам фидо этишга тайёр туриши даркор.**

Мана, раҳбарликнинг содда ва ҳаётий фалсафаси.

Мен бундай хусусиятларнинг бошқа миллат ва элатларга нечоғли хослиги ҳақида аниқ бир нарса деёлмайман, лекин бизнинг халқимиз ва миллатимиз учун ана шундай етакчилар доимо керак бўлган.

Бундай раҳбар-етакчилар энг оғир синов дамларида халқнинг куч-қудратини, унинг нималарга қодирлигини намойиш этишда бошқош бўлганлар.

Бу гаплар қандайдир умумий, баландпарвоз гаплар эмас.

Эътибор берсангиз, биз бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган воқеаларга деярли ҳар қадамда дуч келишимиз мумкин.

Бизнинг аксарият кўпчилигимизга хос бўлган, бизни заиф қиладиган бир хусусият, аниқроғи, бир камчилик борки, шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтмоқчиман.

**Айтайлик, бирон маҳалла ёки хўжалик, ё бўлмаса, бирон ташкилотнинг иши орқага кетса, шу жойдан файз-барака кўтарилса, одамларнинг кайфияти ёмонлашса, бунинг асосий сабаби — шу ерда бепарволик ва ундан ҳам баттари — лоқайдлик авж олганида десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.**

Мана шундай қараш оқибатида жойларда муаммолар ечилмайди, имконият бўлатуриб, иш жойидан силжимайди. Бир қарасангиз, бунинг учун шароит ҳам, куч ҳам бор, лекин сафарбарлик йўқ, масъулиятни ўз бўйнига олиб, жон куйдирадиган одам йўқ.

Шу жойда яшайдиган одамлар билан, жамоатчилик билан гаплашсангиз, улар ҳам шу ҳақиқатга иқрор бўлади. Уларнинг афсус билан, ўша пайтда бизнинг кўзимизни очиб берадиган, шу мақсад йўлида ёндирадиган, бирлаштирадиган бир одам топилмади-да, деб айтишларига кўп гувоҳ бўлиш мумкин.

Ана шундай раҳбарларни — бугун замон талаб қилаётган хусусиятлар соҳиби бўлган одамларни топиш, танлаш ва уларни етакчилик лавозимига қўйиш — менинг зиммамдаги энг оғир вазифа.

**Очиқ айтишим керак, замонавий билимларга эга бўлган, мустақил фикрли янги авлод кучга кириши, вояга етиши билан бу масалани ечиш нисбатан осон бўлади.**

**Бугун униб-ўсиб келаётган ёшларимиз орасида мана, мен борман, деб майдонга, минбарга чиқаётган йигит-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу барчамизга қувонч ва ишонч бағишлайди, албатта.**

Лекин ҳозирги пайтда олдимизда турган долзарб ва мураккаб масалаларни ечиш учун шундай одамларни топиш, уларга суяниш, таяниш, халқимизнинг ишончини оқлаш учун ҳал қилувчи лавозимларга қўйиш —такрор айтаман, ғоят оғир ва масъулиятли вазифа бўлиб турибди.

Сурхондарё вилояти ҳокими бўлиб ишлаб келган Бахтиёр Олимжонов фаолияти ҳақида гапирадиган бўлсак, вилоятга етакчилик қилган даврида, афсуски, унинг тимсолида раҳбар учун ниҳоятда зарур бўлган мана шу фазилатлар намоён бўлмади.

Менинг ортимда шунча одам умид билан қараб турибди, деб ўзини қаттиқ қийнаш, жон куйдириш, қатъиятлик, керак бўлса, ишни барбод қилган шахсларни ёқасидан маҳкам тутиб, юз-хотир қилмасдан аччиқ гапларни уларнинг юзига айтиш каби муҳим фазилатлар етишмади, десак бу ҳам тўғри бўлади.

Маълумки, Сурхон аҳли нене раҳбарларни кўрган, қанчасига тарбия берган, ардоқлаган. Бу эл шу замин учун ҳалол хизмат қилган қанча етакчиларни ҳозир ҳам чуқур ҳурмат-эҳтиром билан эслаб юради.

Эътибор берган бўлсангиз, ўз вақтида Сурхондарёнинг бир қанча вакилларини вилоятга биринчи раҳбар қилиб ҳам қўйдик. Четдан ҳам қанча раҳбар келиб ишлади.

Халқ уларнинг фаолиятига катта умид ва ишонч билан, мана энди ўзгариш бўлади, мана энди ишлар юришиб кетади, деб қаради. Жойларда, воҳанинг узоқ-яқин қишлоқларида мана шундай умидли гурунглар бўлганини мен ўзимга яхши тасаввур қиламан.

Вилоятнинг олдинги биринчи раҳбарининг маҳаллийчиликка берилиб кетгани, эскидан қолган уруғ-аймоқчилик, қабилачилик иллати ишга тўғаноқ бўлиб, одамлар кайфиятига салбий таъсир кўрсатганини ҳисобга олиб, Олимжоновни шу лавозимга олиб келган эдик.

Айтиш керакки, биринчи йили иш ёмон бўлмади, баъзи соҳаларда ижобий ўзгаришлар ҳам кўзга ташлангандек бўлди. Буларни айтмасак, албатта, адолатсизлик бўлади.

Лекин Сурхондарёнинг ҳақиқий салоҳиятини очиш учун вилоятда мавжуд катта имкониятлар ишга солинмаганини, вилоят ҳокимига ўзи ҳам ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаш фазилати етишмаганини инобатга олсак, унинг фаолиятини, афсуски, ижобий баҳолаб бўлмайди.

Қадрли дўстлар!

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, мен сизларнинг эътиборингизга бугунги сессиянинг асосий масаласи билан боғлиқ таклифни киритмоқчиман.

Шу пайтгача Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Олимжонов ўз фаолиятида йўл қўйган камчилик ва нуқсонларни эътироф этиб, эгаллаб турган лавозимидан озод қилишни сўраб ариза ёзган.

Шу муносабат билан мен Олимжоновнинг аризасини қондириш ва уни вилоят ҳокими вазифасидан озод қилиш масаласини овозга қўйиб, сизлардан ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Биз вилоят ҳокими вазифасига номзод танлашда Сурхондарёнинг ўзига хос шароитини, бу ердаги бугунги вазиятни ҳисобга олиб иш кўрдик.

Вилоят оқсоқоллари ва фаоллари билан атрофлича маслаҳатлашдик. Билдирилган барча таклиф ва истакларни инобатга олиб, Сурхондарё халқини, бу ернинг шарт-шароитини яқиндан биладиган Тошмирзо Қодиров номзодини вилоят ҳокими вазифасига тавсия этишга қарор қилдик.

Ҳурматли депутатлар!

Ўйлайманки, ҳозир сизлар билан сайлаб олган янги раҳбар кейинги йилларда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлардан тўғри хулоса чиқариб, Сурхон элининг бошини қовуштириб, сизлар билан елкама-елка туриб ишлайди.

Юрт учун, халқ учун ўзи ҳам ёниб яшайди, сизларни ҳам шунга даъват этади. Керак бўлса, ибрат ва намуна кўрсатиб, одамларни ўз ортидан эргаштиради.

Вилоят раҳбари ана шундай фидойи, ана шундай жонкуяр бўлгандагина Сурхон воҳасининг обрў-эътиборини, қадимий шуҳратини қайта тиклаш, кўзлаган барча олижаноб мақсадларимизга эришмоғимиз мумкин.

Ана шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, омад ва муваффақият тилайман.

# ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуи мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлиси қарорларини ҳамда Президент Ислом Каримов нутқида белгиланган дастурий вазифаларни бажариш борасидаги чора-тадбирлар муҳокама этилди.***

Мажмуа мажлисини Бош вазир ўринбосари, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Ўктам Исмоилов бошқарди. У ҳукумат мажлиси якунлари тўғрисида батафсил маълумот берди.

Мажлисда вазирликлар ва идоралар, давлат акциядорлик компаниялари ва уюшмалари, Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Ҳукумат мажлиси қарорига ва давлатимиз раҳбарининг дастурий кўрсатмаларига мувофиқ мажмуанинг 2002 йилдаги фаолиятининг аниқ йўналишлари белгиланди.

Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

— иқтисодиётни тузилмавий ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, республиканинг йирик корхоналарини хусусийлаштириш ҳамда объектларни тўлиқ хорижий сармоядорларга сотиш бўйича алоҳида лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган бирламчи чора-тадбирларни бажариш;

— хорижий сармоядорлар ва жалб этилган молиявий маслаҳатчилар билан ишларни фаоллаштириш;

— узоқ вақтдан бери ҳаракатсиз ётган акцияларни сотиш имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш ва бунга тадбиркорлик билан ёндашиш;

— харид қилинмаётган акциялар пакетларини ва объектларни тўла сармоядорлар бошқарувига бериш, сармоядорлар томонидан аниқ инвестиция мажбуриятлари бажарилиши шарти билан кейинчалик сотиб олиш имкониятини яратиш;

— иқтисодиётнинг хусусий тармоғини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

— фермерлар фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш;

— ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланиш асосида қўшма корхоналар ташкил этиш.

Сармоядорларни жалб этиш учун қўшимча шароитлар яратиш мақсадида Давлат мулки қўмитаси томонидан қисқа муддатларда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги 119-қарорига 2001-2002 йилларда хусусийлаштириш дастури бўйича қўшимчалар ҳамда ўзгартишлар ишлаб чиқишини якунлаш кўзда тутилган.

Вазирликлар, идоралар, акциядорлик компаниялар ва уюшмалар билан ҳамкорликда объектларни хусусийлаштириш жадвали ишлаб чиқилмоқда. Акциялари пакетлари узоқ вақт мобайнида ҳаракатсиз ётган корхоналар борасида уларни сотишга тадбиркорлик билан ёндашишни ҳисобга олган ҳолда таклифлар тайёрланаётир.

Шунингдек, Давлат матбуот қўмитаси ва Маданият ишлари вазирлиги билан ҳакорликда хўжалик қонунчилиги, фермерлик фаолияти масалалари бўйича, кичик ва ўрта бизнесга бағишланган китоблар савдосини ташкил этиш ҳамда кутубхоналарни ушбу адабиётлар билан таъминлаш масаласи ўрганиб чиқилади.

Давлат мулки қўмитаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини кенгайтириш, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик учун қўшимча ҳуқуқий, иқтисодий шарт-шароит ва имтиёзлар яратишга оид таклифлар тайёрламоқда.

Давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши лозим бўлган ҳар бир объект бўйича топшириқларнинг аниқ муддатларда бажарилиши устидан шахсий жавобгарлик ўрнатилди.

Мажлисда хорижий сармоядорларни 2002 йилда хусусийлаштириш жараёнларига жалб қилишни фаоллаштириш ва корхоналарни якка тартибда хусусийлаштириш лойиҳаси бўйича ёлланган халқаро молиявий маслаҳатчилар ишларини тезлаштириш борасидаги тадбирлар тасдиқланди.

Мажлисда Давлат мулки қўмитаси томонидан Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси иштирокида 2002-2003 йилларда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуи маъқулланди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

*Сарҳисоб*

# БЮДЖЕТГА 25 МИЛЛИАРД СЎМ

***«БАТ Ўзбекистон» қўшма корхонаси қошида, бир неча йилдирки, журналистлар клуби фаолият кўрсатади. Ана шу клубнинг бу галги йиғилиши қўшма корхонанинг 2001 йилги фаолияти якунларига бағишланди.***

Корхона бош директори Рене Айзельстайннинг оммавий ахборот воситалари вакилларига берган маълумотларига қараганда, «БАТ Ўзбекистон» 2001 йилни қониқарли якунлаган. Бунга Ўзбекистон ҳукуматининг хорижлик сармоядорлар учун яратаётган яхши шароит ва имкониятлари ҳам сабаб бўлаяпти. Масалан, ўтган йили тамаки маҳсулотига акциз солиғи нисбатан пасайтирилди. Ва бунинг натижасида Самарқанд тамаки фабрикаси тўла қувват билан ишлай бошлади. Тамаки маҳсулотининг янги тури ишлаб чиқарила бошланди. Корхона ўтган йили давлат бюджетига 17 миллиард сўм акциз солиғи тўлади. Жами йиғимлар миқдори эса 25 миллиард сўмдан ошди. Акциз солиғининг пасайтирилиши ўз навбатида четдан ноқонуний йўллар билан кириб келадиган тамаки маҳсулотларига қарши самарали кураш олиб боришга имконият яратди.

Энг муҳими, ўзбекистонлик мутахассислар бугунги кунда БАТнинг Бангладеш, Покистон ва Грузиядаги корхоналарига ҳам бориб, техник ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

«БАТ Ўзбекистон» тамаки саноатини локализация қилиш дастурини амалга ошириш юзасидан ҳам изчиллик билан иш олиб бормоқда. Ана шу дастурга мувофиқ айни пайтда мамлакатимиздаги ўнлаб маҳаллий корхоналар билан ўзаро алоқалар ўрнатилмоқда. 2001 йилда локализация дастурига мувофиқ 760 миллион сўмлик маҳсулот режалаштирилган эди. Натижа эса кутилганидан зиёда бўлди: унинг умумий миқдори бир миллиард сўмга яқинлашди.

**Ўз мухбиримиз.**

Ҳайит лаҳзаларидаги мужда

# Доимий ҳаракатдаги тадбир

***Халқимизнинг муқаддас эътиқоди — Ислом динига оид бой маънавий-маданий меросни чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университетида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда.***

Ўтган 2001 йилда таниқли исломшунос олим Абдулазиз Мансур томонидан тайёрланган «Қуръони карим» маънолари» таржимасининг халқимизга тақдим этилиши университет жамоаси эришган самарали тадқиқотлардан бири десак, муболаға бўлмайди.

Мазкур нашр аввалги таржималардан фарқ қилиб, унда араб тилидаги «Қуръон» матни ҳамда оятлар маъноси ва уларга изоҳ, шарҳлар она тилимизда чоп қилинган. Янги таржиманинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, оятлар мазмуни имкони борича сўзма-сўз ифодаланган. Фиқҳий мазҳаблар ҳукмига қиёсий изоҳлар берилган.

Яқинда Тошкент Ислом университети яна бир хайрли ва савобли ишга қўл урди. Университет илмий кенгаши «Қуръони карим» оятларини тўғри тушуниш ва талқин этишни йўлга қўйиш мақсадида доимий ҳаракатдаги илмий-амалий семинар ўтказишга қарор қилди.

Табаррук китоб маъноларини ўрганиш МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда — Тошкент Ислом университетида амалга оширилаётганлигини алоҳида қайд қилиш лозим. Ушбу илмий-амалий семинар давомида таржималардаги оят ва сураларнинг ўзбек, араб тилларидаги мазмун-моҳияти исломшунос, арабшунос, тилшунос мутахассислар фикр-мулоҳазалари асосида чуқур ўрганилади.

**Неъматулло МУҲАМЕДОВ,**
**Тошкент Ислом университети аспиранти.**

Сизга шеър айтгим келди

## Ватан

*Ватан — ўзга юрт сайрида соғинган маъво,*
*Ҳар гардию томчи суви муддао, даво.*
*Тоғларига ВАТАН десанг қайтгай акс садо,*
*Эл фарзанди — ўғил-қизи айтгиси нидо:*
*Ёмон нафас, ёмон*
*кўздан асра илоё.*

*Ватан — содиқ халқи билан кучлидир албат,*
*Фуқаросин орзусига мадору қанот.*
*Жилғаларин шилдираши илоҳий баёт,*
*Кексалари дуоларда қилган илтижо:*
*Бу ўлкага кўз тегмасин, кўлла илоё.*

*Ватан — соғинч, Ватан — қувонч,*
*Ватан — саждагоҳ,*
*Истибдоддан безиб кетган борки ҳар инсон,*
*Дейди: сиқим тупроғига берар эдим жон.*
*Не бандалар ета олмай топган алвидо:*
*Уларни ҳеч унутмасмиз, хотира — бажо.*

*Ватан — ота-боболардан мерос шу замин,*
*Бисотини кўз-кўз этар, тўлдирар камин.*
*Кўрган айтар: бу диёрнинг жаннатлиги чин.*
*Нуриддиннинг машқи ичра шул муножот жо:*
*Мадҳиямиз янграганда жўр бўл, эй дунё!*

**Нуриддин АМИНЖОН.**



## Қалбимга

*Ёшликда ҳамиша сени йиғлатиб,*
*Муҳаббат қошида тиз чўкдим ногоҳ.*
*Ҳижрон азобидан бағрим тиғлатиб,*
*Сўнг яна ўзингдан изладим паноҳ.*

*Озорлар етказди дўсту рақиблар,*
*Машаққатлар чекдик ёлғон —рўёдан.*
*Бир сирдош изладик, шукурлар бўлсин,*
*Бундайлар оз эмас, ушбу дунёда.*

*Сенга бағишладим, ҳам сендан олдим,*
*Нур мисоли ортга қайтмас дамларим.*
*Энди сеникиман, зотан, сендирсан —*
*Менинг шодликларим, менинг ғамларим.*

*Гоҳида ёндириб, гоҳида ёниб,*
*Тўлдириб ўтурсан каму кўстларим.*
*Сен менинг бахтимсан, суянчиғимсан,*
*Танҳо ўзингдирсан — содиқ дўстларим.*

**Исматилло ЙЎЛДОШЕВ.**

ҲИКМАТ

***Мардларнинг ишларин андеша қил,***
***То тириксан яхши ишни пеша қил.***




СИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА КУТАМИЗ: ТОШКЕНТ Ш., ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ШОҲ КЎЧАСИ, 8.
Тел:100-00-15, 100-00-16, 173-00-15; ФАКС: (998-71) 100-98-98, 120-63-78.
WWW.UZMAKOM.UZ
5341/304

# ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

SALT LAKE 2002

Солт-Лейк-Ситидаги қишки Олимпиада ўйинларининг ўн биринчи кунида бешта мусобақа ўтказилди. Чанғи пойгасида 1,5 километрли масофадаги спринт баҳсларида эркаклар ўртасида норвегиялик Тор Арне Ҳетланд ғалаба қозонган бўлса, аёллар орасида россиялик Юлия Чепаловага тенг келадигани топилмади. Шунингдек, акробатика бўйича чехиялик фристайлчи Алеш Валента, америкалик бобслейчилар — Жилл Баккен ва Вонетта Флауэрз жуфтлиги ҳам ўз терма жамоасига олтин медаль келтирди. Конькида 1500 метр масофага ўтказилган беллашувда АҚШ вакили Дерек Парра олимпия олтин медалини қўлга киритиш билан бирга, жаҳон рекордини ўрнатишга ҳам муваффақ бўлди.

Медаль жамғариш бўйича Норвегия жами тўққизта олтин, олтита кумуш ва иккита бронза медали билан Германиядан ўзиб кетди. Немисларда эса саккизта олтин, ўн учта кумуш ва еттита бронза медали бор. Олимпиада мезбонлари олтита олтин, саккизта кумуш ва еттита бронза медали билан учинчи поғонани банд этиб турибди.

* * *

Ирландияликлар қишки Олимпиада ўйинларида ҳали битта ҳам медални қўлга киритолмади, лекин уларнинг ҳам Солт-Лейк-Ситига келган ўз қаҳрамони — Поль О'Коннор бор. Бу спортчи чанғи пойгасида қатнашган биринчи ирландиялик сифатида тарихда қоладиган бўлди. 43 ёшли спортчи 17 йил муқаддам Юта штатига кўчиб келган ва бу ерда чанғи спорти сирларини ўрганган эди. Тақдир тақозоси билан Поль О'Коннор тарихий ватани — Ирландия спорт шарафини ўзи яшаётган штат ҳудудида ҳимоя қилмоқда. Спортчи бирон бир муваффақияти билан мақтана олмаса-да, олтита ҳамюрти қатори Олимпиадада иштирок этаётганидан жуда бахтиёр.

Поль О'Коннорнинг айни пайтдаги асосий мақсади юртдошларини қишки спорт турларига қизиқтиришдир.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, (ЎзА).**

# САВОЛ БИЗДАН...

**Австралия ва Океаниянинг энг юксак чўққиси қайси, баландлиги қанча?**

**Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:**
Кук ороллари Янги Зеландияда жойлашган.

136-35-60


Beldersoy HOTEL



Кимки ўз дам олиш кунларини тоғда ўтказишни хоҳласа, "Beldersoy Oromgohi" соғломлаштириш марказига таклиф этамиз!
Сиз учун бу ерда:
4 ўринли оилавий коттеджлар, хоналарда барча қулайликлар мавжуд.
Ресторан,бар,дискотека, сауна,бассейн,бильярд ҳам хизматингизда.
Алоқа учун телефонлар:
152 6782, 126 3626



«GALLA-ALTEG» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**2001 йил натижалари бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши 2002 йил 27 март куни соат 14.00 да Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 37-уйда ўтказилишини маълум қилади.**

КУН ТАРТИБИ:
1. Очиқ акциядорлик жамиятининг 2001 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти ва 2002 йилдаги вазифалари ҳақида.
2. Йиллик бухгалтерлик балансини тасдиқлаш,2001 йилнинг даромад ва камомадларини тақсимлаш ҳақида.
3. Дивидендлар миқдори ва 2001 йил натижалари бўйича уларни тўлаш тартиби.
4. Очиқ акциядорлик жамиятининг 2001 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги аудитор текшируви ва хулосасини тасдиқлаш ҳақида.
5. Очиқ акциядорлик жамиятининг 2001 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тўғрисида.
6. 2002 йилга жамиятнинг аудиторини тасдиқлаш ҳақида.
7. Очиқ акциядорлик жамиятининг 2002 йилдаги даромад ва сарф-харажатлари сметаси ҳақида.
8. Очиқ акциядорлик жамиятининг устав жамғармаси ва акцияларнинг номинал қийматини оширишни тасдиқлаш ҳақида.
9. Турли хил масалалар.

Кузатув кенгаши.

«GALLA-ALTEG» ОАЖнинг 2001 йил
БАЛАНСИ

| № | Кўрсаткичлар номи | Актив | Пассив |
|---|---|---|---|
| 1. | Асосий воситалар | 124136 | |
| 2. | Номоддий активлар | 17102 | |
| 3. | Капитал қўйилмалар | 140161 | |
| 4. | Узоқ муддатли инвестициялар | 25272 | |
| 5. | Ишлаб чиқариш захиралари | 1796256 | |
| 6. | Тайёр маҳсулот | 102867 | |
| 7. | Олиб сотиладиган товарлар | 7207 | |
| 8. | Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоб | 42506 | |
| 9. | Бошқа дебиторлик қарзлари | 156420 | |
| 10. | Бюджет билан ҳисоб-китоб | 359 | |
| 11. | Пул маблағи | 5620 | |
| 12. | Келгуси давр даромадлари | 368 | |
| 13. | Устав капитали | | 122650 |
| 14. | Қўшилган капитал | | 459 |
| 15. | Резерв капитали | | 18339 |
| 16. | Мақсадли тушум ва фондлар | | 52593 |
| 17. | Тақсимланмаган фойда | | 2911 |
| 18. | Ҳисобот даврида йиғилган фойда | | 599404 |
| 19. | Жами кредиторлик қарзлари | | 1612077 |
| 20. | Олинган бўнаклар | | 9841 |
| | БАЛАНС | 2418274 | 2418274 |

Мурожаат учун телефонлар: 67-53-10, 68-36-49.


Ўзбекистон Бадиий академияси Ўзбекистон халқ рассоми, академик Қутлуғ Башаровга фарзанди

**ЖОНПЎЛАТнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратураси жамоаси транспорт прокурорининг ўринбосари Рустам Ҳамидовга отаси

**Ғулом ҲАМИДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концернига қарашли «Ўзйўлтаъминот» республика таъминот бошқармаси жамоаси бош мутахассис, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи

**Виктор Сергевич НИДЕЛИНнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Маърифат» бош муҳарририятининг шарҳловчиси Доно Зоҳидовага онаси

**Азиза МИРСАИДОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

*Савдолар 2002 йил 26, 28 март кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.*

**Савдоларга биринчи навбатда эркин муомаладаги валютага сотиладиган қуйидаги объект қўйилади:**

Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 100-уйда жойлашган давлат мулки,умумий майдони 7280 кв.м. бўлган 12 қаватли бино.
**Бошланғич баҳоси — 1 386 382 АҚШ доллари.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!**

*Савдода қатнашиш учун объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаш шарт. Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.*

Ушбу объектларга қизиқиши бор барча хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси. Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17.**

www. uzrkmb. com


Реклама ва эълонлар 136-09-25


"Shaharlararo aloqa korxonasi" ОАЖни

**"Ўзбектелеком" АКга бирлаштириш орқали қайтадан ташкил қилиниши муносабати билан "Shaharlararo aloqa korxonasi" ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 2002 йил 12 февраль қарорига асосан, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2001 йил 5 февраль РО 269-сон билан рўйхатдан ўтказилган. "Shaharlararo aloqa korxonasi" ОАЖнинг номинал қиймати 10000 сўмдан бўлган 756020 дона умумий қиймати 7560200,0 минг сўм, шу жумладан 752020 дона, эгаси ёзилган оддий 7520200,0 минг сўмлик (МИР RU101PO269TO) ва 4000 дона эгаси ёзилган имтиёзли 40000,0 минг сўмлик (МИР RU201PO269T8)**

**АКЦИЯЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 83,
34610 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — С. ДОНИЁРОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 00.50
1 2 3 4 5 6